Email:

conference@houghtonstreetreview.com

Website:

www.houghtonstreetreview.com/index.php/conference

© 2026 International Online Conference on Multidisciplinary Academic Research. All Rights Reserved.

Editor-in-Chief:

Dr. Ewelum Johnson Nnadi

Managing Editors:

1.Harold Jan R. Terano

2.Dr. Mandakini Singla

3.Massoud Kaykhaii







ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВИ

Dadaev Kuvanish Mashrabovich
O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti
“Ijtimoiy fanlar” kafedrasi o‘qituvchisi
ORCID 0009-0008-6606-0723
dadaevkuvonch@gmail.com.

Аннотация: мақолада тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмини кластер технологиялари асосида ташкил этиш механизми мазмуни ва моҳияти ёритилган .

Калит сўзлар: кластер, инфратузилма, инвестиция, инновация, рақобатбардошлик, тизим, таълим, мавофиқлаштирувчи марказ, интегратсия, ресурслар, модел, иқтисодий хавфсизлик.

Аннотация: В статье раскрываются содержание и сущность механизма обеспечения экономической безопасности субъектов предпринимательства, формируемого на основе кластерных технологий.

Ключевые слова: кластер, инфраструктура, инвестиции, инновации, конкурентоспособность, система, образование, координационный центр, интеграция, ресурсы, модель, экономическая безопасность.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил қилиш ва уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80%га ва экспортдаги улушини 60%га етказиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий секторга кенг йўл очиш ва иқтисодий муносабатларда эркин бозор тамойилларини жорий этишни кенгайтириш вазифалари қўйилган. Муҳими, бу жараёнда тадбиркорларимиз ҳал қилувчи куч сифатида энг олдинги сафда туриб, саноат ва сервис объектларини ташкил қилиб, доимий иш ўрни яратишда, аҳолимиз, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни касбга ўргатиб, маҳаллаларнинг ўзида ишли ва даромадли қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда [1].

Тадқиқот жараёнида тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашни кластерли ёндашув асосида инфратузилмани ривожлантириш бўйича тегишли институционал муҳит ўзгаришлари асосида чора-тадбирлар мажмуасини ўз ичига олган механизм орқали таъминлаш таклиф этилмоқда. Таклиф этилаётган механизм мақсад ва стратегия вазифаларига мос келувчи мослашувчан инфратузилмани шакллантиришга қаратилган бўлиб, инноватсион ёндашувлар асосида тадбиркорлик фаоллигини ошириш орқали уларнинг рақобатбардошлиги ва иқтисодий хавфсизлиги таъминланади.

Ўзбекистон иқтисодиётида кластер тизимларини ривожлантириш масаласи қатор Республикамиз олимлари томонидан тадқиқ этилган. Жумладан,

Email:

conference@houghtonstreetreview.com

Website:

www.houghtonstreetreview.com/index.php/conference

© 2026 International Online Conference on Multidisciplinary Academic Research. All Rights Reserved.

Editor-in-Chief:

Dr. Ewelum Johnson Nnadi

Managing Editors:

1.Harold Jan R. Terano

2.Dr. Mandakini Singla


3.Massoud Kaykhaii







М.А.Раҳматов, Б.Зарипов А.Ф. Расулев, Д.М.Курбанова, Ф.Х.Назарова, Д.М.Мирзахалилова, К.Р.Хонкелдийева, Н.С.Каримова[2]. каби маҳаллий олимлар иқтисодий кластерларнинг назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил қилганлар. Улар кластер концепциясини минтақалар ва тармоқларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда асосий омил сифатида баҳолашган. М.Портер кластерни муайян соҳа доирасидаги географик жиҳатдан жойлашган, ўзаро боғлиқ компаниялар, таъминотчилар, хизмат кўрсатувчилар, рақобатчилар ва бошқа манфаатдор томонлар гуруҳи сифатида таърифлайди[3]. Бундай кластерларда корхонада юқори малакали ишчи кучи, умумий бозорлар, инновatсиялар, маҳсулот сифатини ошириш ва харажатларни камайтириш имкониятига эга бўлади. Минтақавий кластер деганда, ишлаб чиқариш корхоналари, ускуналар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берувчи корхоналар, ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар, шунингдек, илмий ва таълим муассасаларининг йиғиндиси тушунилади. Улар ҳудудий яқинлик ва товар ҳамда хизматлар ишлаб чиқариш соҳасида кооперация муносабатлари орқали бир-бири билан боғлиқдир.



1.Расм.Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмининг кластерли модели[4].

Кластер тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга катта имконят яратади. Бу, айниқса, транспорт ва коммуникатсия тизимларини ривожлантиришга, таълим ва илм-фан муассасаларини такомиллаштиришга, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятидаги рискларни тақсимлашга инвестицияларни жалб этиш орқали амалга оширилади. Бу усул, ўз навбатида, юқори хавф-хатар, тахдитлар мавжуд бўлган шароитларда, яъни тизимнинг барча босқичларида долзарб ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмини кластер технологиялари асосида ташкил этиш механизми инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмининг кластерли модели таклиф этилмоқда.

Email:

conference@houghtonstreetreview.com

Website:

www.houghtonstreetreview.com/index.php/conference

© 2026 International Online Conference on Multidisciplinary Academic Research. All Rights Reserved.

Editor-in-Chief:

Dr. Ewelum Johnson Nnadi

Managing Editors:

1.Harold Jan R. Terano

2.Dr. Mandakini Singla

3.Massoud Kaykhaii







Ушбу 1.Расмда кластер технологиялари асосида тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг институционал модели тасвирланган. Модель кластер иштирокчилари ўртасидаги ҳамкорлик, ресурслар алмашинуви ва институционал мувофиқлаштириш орқали иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган. Унда давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари, таълим ва илм-фан муассасалари, венчур фондлари, инфратузилма ташкилотлари ҳамда мувофиқлаштирувчи марказ ўртасидаги функционал муносабатлар акс эттирилган. Мазкур модель кластер иштирокчилари ўртасидаги горизонтал ва вертикал интеграция орқали тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмини мажмуали тарзда ифодалайди. Унинг афзаллиги шундаки, иқтисодий хавфсизлик алоҳида корхона даражасида эмас, балки бутун кластер экотизими доирасида шакллантирилади. Бу эса ресурслардан самарали фойдаланиш, инновацияларнинг диффузияси, трансакцион харажатларни қисқартириш ва ташқи иқтисодий шокларга барқарорликни ошириш имконини беради. Шундай ёндашув кластер моделига замонавий иқтисодий хавфсизлик концепциялари ва халқаро стандартларни интеграция қилиш имконини беради ҳамда тадбиркорлик субъектларининг узоқ муддатли барқарор ривожланиши учун мустаҳкам институционал асос яратади.

Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмининг кластерли моделнинг умумий бошқаруви – Мувофиқлаштирувчи марказ томонидан амалга оширилади. У бевосита ва билвосита таъсир механизмлар ва инструментлари билан таъминланган. Мувофиқлаштирувчи марказ инфратузилма муҳитининг бир қисми бўлиб, иштирокчилар ўртасидаги ҳамкорликни тартибга солади ва мувофиқлаштиради. У қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган:

- кластер ташаббусларини аниқлаш;
- Тадбиркорлик субъектларини лойиҳавий иш билан таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш;
- барча иштирокчилар фаолияти самарадорлигини таъминлаш;
- халқаро ҳамкорликка жалб қилиш;
- инновацион фаолликни ошириш ва фаолиятнинг инновацион хусусиятга эга бўлишини таъминлаш.

Мувофиқлаштирувчи марказ ўз олдига қўйилган вазифаларни юқорида кўрсатилган бевосита ва билвосита таъсир чоралари орқали амалга оширади. Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Мувофиқлаштирувчи марказ томонидан амалга ошириладиган бошқарув таъсир чораларини қуйидаги бандлар билан тўлдириш таклиф этилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳудудий Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепциялари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиялари ва бошқа юқори даражадаги дастурлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда мувофиқлаштириш.

Email:

conference@houghtonstreetreview.com

Website:

www.houghtonstreetreview.com/index.php/conference

© 2026 International Online Conference on Multidisciplinary Academic Research. All Rights Reserved.

Editor-in-Chief:

Dr. Ewelum Johnson Nnadi

Managing Editors:

1.Harold Jan R. Terano

2.Dr. Mandakini Singla

3.Massoud Kaykhaii







2. Кластер иштирокчилари учун тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизми концепцияларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш.

3. Тадбиркорлик субъектлари – кластер иштирокчиларининг фаолиятини мониторинг қилиш, шу жумладан, уларнинг иқтисодий хавфсизлик даражаларини кузатиб бориш орқали молиявий барқарорликни йўқотиш хавфини олдини олиш.

4. Кластер иштирокчиси бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилаётган товарлар, ишлар ва хизматларни рўйхатга олиш ва реестрини яратиш ва унга хизмат кўрсатиш, шунингдек, кластер иштирокчилари ва бошқа манфаатдор томонларга реестрга кириш имкониятини таъминлаш.

Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизми кластерининг марказий бўғини – кластернинг ядроси ҳисобланади. Бу ядро кластер ривожланиш йўналишини белгилайдиган тармоқ корхоналаридан ташкил топган бўлиб, улар минтақадаги йирик тармоқ корхоналарини ўз ичига олади. Бу корхоналар минтақавий иқтисодиётнинг ўсиш драйверлари бўлиб, қўллаб-қувватловчи сифатида тадбиркорлик субъектларини қамраб олади. Кластер иштирокчи корхоналарининг ўзаро ҳамкорлигидан келиб чиқадиган синергетик таъсир қуйидаги имконятларни яратади: транзакция харажатларини камайтириш; тадбиркорлик субъектларини кафолатли ишлар билан таъминлаш; инновацион жараёнларни жадаллаштириш; кўлам самараси ҳисобига самарадорликни ошириш; натижада, тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини ва уларнинг иқтисодий хавфсизлиги таъминланади.

Кластер тузилмасининг марказий бўғини ишлаб чиқариш корхоналари, таълим ва илмий муассасалар, давлат органлари ўртасидаги тармоқ алоқалари ва шериклик муносабатларига эга. Бу тадбиркорлик субъектларига янги технологиялар, илғор билимлар ва бозорларга чиқиш имкониятини беради, шунингдек, ҳамкорликдаги лойиҳалар ва дастур ташаббусларида иштирок этишга шароит яратади. Бундан ташқари, муштарак муаммоларни ҳал этиш, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва фаолиятни диверсификатсия қилиш имконияти туфайли тадбиркорлик субъектлари учун рисклар камаяди ва уларнинг барқарорлиги ошади. Инфратузилма муассасалари ва ташкилотлари, таълим ва илмий муассасалар Мувофиқлаштирувчи марказ билан ҳамкорликда кластер иштирокчиларининг қуйидаги ресурсларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга ёрдам беради: ахборот хизмати; иқтисодий-ҳуқуқий кўмак; ташқи иқтисодий фаолиятга оид маслаҳатлар; молиявий-кредит ва савдо воситачилик хизматлари; илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари. Бу, ўз навбатида, кластернинг ривожланиши ва қўллаб-қувватланишига хизмат қилади, иштирокчиларга барқарор фаолият юритиш ва инновацион ривожланиш учун зарур ресурслар ва хизматлардан фойдаланиш имконини яратади. М.Портер транзакция харажатларини камайтиришни корхоналар ва мамлакатнинг умумий рақобатбардошлигини ошириш омили сифатида таърифлаган[5]. Транзакция харажатларини камайтиришга қўшимча равишда, тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилаётган товарлар, ишлар ва хизматларни рўйхатга олиш ва юритиш реестрини тузишга ёрдам беради. Ушбу реестр кластер иштирокчилари ва бошқа манфаатдор шахсларга очиқ кириш имконини тақдим

Email:

conference@houghtonstreetreview.com

Website:

www.houghtonstreetreview.com/index.php/conference

© 2026 International Online Conference on Multidisciplinary Academic Research. All Rights Reserved.

Editor-in-Chief:

Dr. Ewelum Johnson Nnadi

Managing Editors:

1.Harold Jan R. Terano

2.Dr. Mandakini Singla

3.Massoud Kaykhaii







этади. Таклиф этилаётган механизмни амалга ошириш қуйидаги афзалликларни таъминлайди: кластер иштирокчилари ўртасида самарали ўзаро ҳамкорликни шакллантириш, савдо операцияларини соддалаштириш, тижорий алмашинув жараёнларини жадаллаштириш, товар ва хизматларни излаш ва келишишдаги вақт ҳамда молиявий харажатларни камайтириш, юқорида қайд этилган таҳдидларни бартараф этиш. Таклиф этилаётган механизмни амалга ошириш қуйидаги таҳдидларни юмшатишга ёрдам беради: инновацион салоҳиятнинг чекланиши ва пасайиши; турли тармоқ ва ҳудудларда тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш шароитларидаги нотекислик; тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашдаги номутаносиблик; тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигининг пасайиши.

Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмининг концепцияси ва стратегиясини амалга ошириш жараёнида кластернинг Мувофиқлаштирувчи маркази фаол иштирок этиши зарур. Бунинг асосий сабаблари: тадбиркорлик субъектларининг реал манфаатлари, роли ва ривожланиш салоҳиятини ҳисобга олиш; уларнинг барқарорлиги, хавфсизлиги ва рақобатбардошлигини ошириш. Мезодаражада стратегик режалаштириш ҳужжатларининг асосий вазифалари: иқтисодий хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган бизнес муҳитини яратиш; ресурсларга кириш имкониятларини таъминлаш; инфратузилмани ривожлантириш; миллий ва ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда инновацияларни қўллаб-қувватлаш.

Тадбиркорлик субъектлари Мувофиқлаштирувчи марказнинг услубий ёрдами асосида ўзларининг индивидуал концепция ва стратегияларини ишлаб чиқишлари лозим. Бу жараён: таваккалчиликлар ва таҳдидларни нейтраллаштириш; кластер иштирокчилари билан самарали ҳамкорлик механизмларини шакллантириш; бизнеснинг умумий барқарорлигини ошириш имконини яратади. Шу тариқа, тадбиркорлик субъектлари учун хавфсиз ва барқарор ривожланиш муҳити яратилиб, уларнинг иқтисодий хавфсизлиги ва рақобатбардошлиги таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси 26.12. 2025-йил.
2. М.Рахматов. Б.Зарипов. Кластер-интеграция, инновасия ва иқтисодий ўсиш. Рисола. Тошкент. Замин Нашр. 2018. 12 б., Расулув А.Ф. Развитие хлопкового комплекса - важное направление кластерной экономической политики в Узбекистане// Общество и экономика, №7-8, 2005г., Курбанова Д. М. Перспективы формирования инновационных кластеров в Узбекистане// “Рынок, деньги и кредит”. — 2011 — №1. – С. 43., Мирзахалилова Д.М. Повышение конкурентоспособности промышленности Узбекистана на основе кластеризации (на примере текстильной промышленности). Дисс. на соиск. канд. экон. наук., Хонкелдиева К. Тўқимачилик саноати кластерлари фаолиятида бошқарув механизмларини такомиллаштириш. 08.00.13 – Менежмент, 08.00.03 – Саноат иқтисодиёти. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2021 йил., Каримова Н.С., “Ўзбекистонда

Email:

conference@houghtonstreetreview.com

Website:

www.houghtonstreetreview.com/index.php/conference

© 2026 International Online Conference on Multidisciplinary Academic Research. All Rights Reserved.

Editor-in-Chief:

Dr. Ewelum Johnson Nnadi

Managing Editors:

1.Harold Jan R. Terano

2.Dr. Mandakini Singla

3.Massoud Kaykhaii







кластерлар фаолиятини ривожлантиришнинг молиявий-иқтисодий асослари” 08.00.01-“Иқтисодиёт назарияси” ва 08.00.07 - “Молия, пул муомаласи ва кредит” Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.

3. Портер, М. Конкурентная стратегия: методика анализа отраслей и конкурентов / М. Портер. – М.: Альпина Паблишер, 2016. – 603 с.
4. Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.
5. Портер, М. Конкурентная стратегия: методика анализа отраслей и конкурентов / М. Портер. – М.: Альпина Паблишер, 2016. – 603 с.